

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тасвир

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 11 (2431)

1992 ЙИЛ 28 ЯНВАРЬ

СЕШАНБА

НАРХИ: ОБУНАЧИГА 10 ТИИН, СОТУВДА 25 ТИИН.

ТАЙИНЛАНУВ

Ўзбекистон Жумҳурияти ички ишлар вазири ўринбосари этиб милиция генерал-майори Жаббор Камолхўжаев тасдиқланди. У 1945 йили Чимкент вилоятида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1976 йили ИИБ Тошкент олий мактабини тугаллаган.

Ж. Камолхўжаев 1970 йили Тошкент махсус ўрта милиция мактабини тугаллагач, хизматни ўташ учун Тошкент шаҳар ижроқўми ИИБга келди ва Куйбишев тумани ижроқўми ИИБ БХСС бўлинмаси инспекторлигига тайинланди. Кейинчалик жиноят қидирув ва БХСС бошқармалари бўлақларининг оператив таркибидagi турли лавозимларда

ишлади. 1985 йили Ҳамза тумани ижроқўми ИИБ бошлиғи этиб, 1988 йили ноябрда эса Тошкент шаҳар ижроқўми ИИБ ЖҚБ бошлиғи этиб тайинланди.

1989 йили ноябрда ички ишлар вазири ўринбосари этиб тайинланди, бир вақтнинг ўзида Тошкент шаҳар ижроқўми ички ишлар бошқармаси бошлиғи бўлди.

Тошкент вилояти ижроқўми ички ишлар бошқармаси бошлиғи этиб милиция полковниги Насриддин Аҳатович Исмоилов тайинланди. У 1947 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1981 йили ССЖИ ИИБ Тошкент олий мактабини, 1984 йили ИИБ Академиясини тугатган.

Н. А. Исмоилов 1973 йили июнида Совет Армияси сафидан қайтгач, ИИБ идораларида хизмат қила бошлади. У дастлаб Октябрь тумани ижроқўми ИИБ жиноят қидирувига инспектор қилиб тайинланди. Кейинчалик шу ерда жиноят қидирув катта инспектори, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш катта инспектори лавозимларида ишлади. 1978 йили ноябрда жумҳурият ИИБ штабига инспектор қилиб тайинланди, 1979 йили сентябрда эса катта инспектор лавозимига кўтарилди. 1982 йили

ССЖИ ИИБ Академиясига ўқишга жўнатилди, уни тугаллагач, Хоразм вилояти ижроқўми ИИБ бошлиғи ўринбосари қилиб тайинланди. 1987 йилнинг майида хизматни ўташ учун ССЖИ ИИБ девонига жўнатилди. 1988 йили июлда Қашқадарё вилояти ижроқўми ИИБ бошлиғи ўринбосари этиб, шу йилнинг ноябрида эса мазкур ИИБ бошлиғи этиб тайинланди. 1991 йил ноябрда Ўзбекистон Жумҳурияти ички ишлар вазири ўринбосари лавозимига кўтарилди. Ўзбекистон халқ ноиб.

Тошкент шаҳар ижроқўми ички ишлар бошқармаси бошлиғи этиб милиция полковниги Комилад Ғофуров тайинланди. У 1949 йили Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1971 йили Тошкент давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик қуллиётини, 1989 йили ССЖИ ИИБ Академиясини тугаллаган.

К. Ғофуров ички ишлар идораларида 1971 йилдан буён хизмат қилиб келмоқда. Шу вақт ичида туман ички ишлар бўлими тергов-

чилигидан жумҳуриятдаги энг йирик вилоят ички ишлар бошқармаларидан бири — Тошкент вилояти ижроқўми ИИБ бошлиғигача йўлни босиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК КУЧАЯДИ

23 январь кuni Тошкентда Ешлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси ташкил этган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Ингилганлар 16 январь кuni касалхонага оғир аҳволда тушиб, вафот этган талаба қорақалпоғистонлик Камолиддин Ортиқов хотираси олдида бир муддат сукут сақладилар.

Шундан сўнг шаҳар қўмитасининг котиби Жавоҳарлаб Ҳақимов сўз олиб, қўйидагиларни айтиб ўтди: — Рўзномаларда ёшлар

ҳаёти, муаммолари, уларни ечиш борасида олиб борилган ишлар деярли ёритилмайд. Ешлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси бундан ҳамроҳ журналистлар билан ҳамкорликда иш олиб боришни ўз олдида мақсад қилиб қўйди. Бугун ўтказилаётган матбуот конференцияси ҳам шу эзгу ниятнинг дебосчасидир.

Сўнгра у 16-17 январь кунлари шаҳар қўмитаси аъзолари Талабалар шаҳарчасида ҳамда бугунги кунга қадар олиб борган ишлари

Утган шанба кuni Ўзбекистон Жумҳурияти «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамаиятининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Унда «Бутуниттифоқ «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамаияти Ўзбекистон Жумҳурияти ташкилотини Ўзбекистон Жумҳурияти «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамаиятига айлантириш ҳақида» жамият раиси ўринбосари А. Ва шурир маъруза қилди. Нотиқ ички ишлар идораларида спортнинг аҳволи, ходимларни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш борасида жамият

«ДИНАМО»НИНГ МАҚОМИ ЎЗГАРДИ

олиб бораётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар хусусида фикр юритиш билан бирга Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганлиги муносабати билан жамият мақомини ўзгартириш зарурлигини таъкидлади. Бу таклиф анжуман иштирокчилари томонидан яқдиллик билан қабул қилинди.

Шунингдек, конференцияда жамиятнинг янги Низоми ва Устави маъқулланди. «Динамо» жамиятининг раиси этиб ички ишлар вазири З. Алматов, раис ўринбосари этиб А. Ва шурир сайланди.

Конференцияда 47 кишидан иборат жамият Кенгаши ва 5 кишидан иборат тафтиш-назорат комиссияси сайланди.

Конференция ишида ички ишлар вазирининг ўринбосари Р. Ҳайдаров иштирок этди ва жамият фаолиятини яхшилашга доир вазифаларга тўхталди. **С. СУЛАЙМОНОВ.**



Сиз суратда кўриб турган зийрак милиция старшинаси Норбой Раматов Шовот тумани ички ишлар бўлимида ДАН инспектори бўлиб ишлаб келаётир. **С. БОБОЕВ** олган сурат.

МУРАККАБ ВАЗИФАЛАР ЕЧИМИ ҚИДИРИЛДИ

Юз бераётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, янги хўжалик тизими қарор топиши қўриқлаш бўлақлари аҳамиятини анчагина оширмоқда, уларнинг фаолияти кўламни кенгайтирмоқда. Олдинда турган мураккаб вазифаларнинг самарали ечимини излаш учун нималар қилиш керак? Қўриқлаш хизмати бу борада қандай имкониятларга эга? Ўзбекистон ИИБ қошидаги «Қўриқлаш» бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилишда мана шундай масалалар кун тартиби марказида турди.

— Бу ерда тўлланишдан мақсадимиз, — деди ички ишлар вазири ўринбосари ички хизмат полковниги Э. Норғитов, — ижтимоий-иқтисодий шароит оғирлашган шароитда давлат ва жамоат, фуқаролар мулки дахлсизлигини таъминлаш, жиноятчилик билан курашни кучайтириш учун зарур бўлган тадбирларни биргаликда кўриб чиқишдан иборатдир.

Йил давомида қилинган ишлар ҳақида маърузага чиққан «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи милиция подполковниги Х. Убайдуллаев диққатни айрим рақамларга қаратди. Утган йил давомида қўриқлаш бўлақлари ходимлари томонидан 1177 та жиноят фош этилди, жиноят содир қилишда айбланаётган 1475 киши ушланди. Марказлаштирилган соқчилик пултылари (МСП)нинг тутиш гуруҳлари жонкуярлиги туфайли 428 та қўриқланаётган объектлар ва фуқаролар хонадонларида ўғирликнинг олди олинди, ўзгалар мулкига кўз олайтирган 609 киши қўлга тушди. Ҳар хил ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этган 79.719 киши, шу жумладан маст ҳолатдаги 23.781 киши, ички ишлар идораларига келтирилди.

Саноат корхоналаридан хом ашё ва тайёр маҳсулотларни талон-торож қилишга қарши кураш кучайтирилди. Утган йили ноқўя иш усидида тугилган 18.160 нафар майда ташмачилардан 413.939 сўмлик моддий-товар бойликлар олинди.

Фаолиятни ҳар томонлама такомиллаштириш эса қўриқланаётган жойларда ўғирлик камайишига катта туртки берди. Масалан, ўтган йили олдинги йилга қараганда муҳофазага олинган объектларда ўғирлик 15 фоизга, шунингдек, фуқаролар хонадонларини ўғри уриб кетиши 50 фоизга қисқарди.

Маърузачи ва бошқа сўзга чиққанлар қўриқлаш бўлақлари олдида турган қатор муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтди. Чунончи, қўриқлаш бўлақларининг давлат мулкнинг асрашга панжа орасидан қараётган ёхуд бу ишни мутлақо ўз ҳолига ташлаб қўйган хўжалик раҳбарларига

маъмурий чоралар кўриш ҳуқуқини кенгайтириш қераклигини, хўжалик юритишнинг ҳозирги шакли маънан эскирганлигини таъкидлади. Шу вақтга қадар қўриқлаш хизмати ва унинг бўлақлари жумҳуриятда қарор топган хўжалик-молиявий тизимдан ўз ўрнини топишолмапти. Чунки улар бир томондан давлат қарамогидagi идора эмас. Иккинчи томондан хўжалик ҳисобидagi ташкилот белгилари ҳам йўқ (фойда, ривожлантиришнинг махсус жамғармалари, моддий манфаатдорлик ва б.).

Аросатда қолиш қўриқлаш хизмати иқтисодий келажагини хиралаштирмоқда, уни корхоналар ва ишбилармонлар ҳақидаги қонунчилик асосида фаолият юритиш имкониятидан маҳрум қилмоқда. Кейинги вақтда қўриқланадиган объектлар сони камайганлиги учун аҳвол оғирлашаётир. Хўжалик раҳбарлари миллия билан тугилган шартномаларни бекор қилиб, улар бажараётган вазифани қўриқлаш ширкатларига топширмоқдалар.

Бу ширкатлар қўриқлаш бўлақлари билан жиддий рақобатлаша олмайдилар. Зеро, уларда кўпинча қўриқлаш усули ва шаклидан, уни ташкил этишдан беҳабар шахслар ишлашмоқда.

Қўриқлаш ширкатлари билан боғлиқ салбий воқеаларга йўл қўймаслик мақсадида ички ишлар идоралари томонидан назорат ўрнатилиши даркор. Масалан, қўриқлаш билан шуғулланиш ниятидаги ширкатлар милициядан тегишли рухсатнома олишлари керак. Шу ўринда ширкатнинг техник ва моддий имкониятлари ўрганилиши, ходимларининг касб тайёрлиги ва малакаси текширишдан ўтказилиши шарт.

Йиғилиш сўнггида вазири ўринбосари Э. Норғитов саволларга жавоб қайтарди ҳамда «Қўриқлаш» бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлақлари олдида турган вазифаларга тўхтади.

Ўзбекистон ИИБ «Қўриқлаш» бирлашмаси ташкилий-таҳлилий бўлими.

О. МАМАРАЙИМОВА.

МИЛИЦИЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК

Натижаси юзага чиқди

Одам бир ёмонликқа чиқмасин экан. Чиқдими тамом, минг бор ўзгаларга ёрдам берсин, яхшилик қилсин, барибир ўша яхшиликларни орасидан ҳам кир қиришаверади. Бу ҳаётда яхшини ёмонга чиқариш учун катта ташвиқот шарт эмас. Бир оғиз ифлос сўз кифоя.

Агар шундай ҳолга бутун бошли муассаса, яшириб нима қилдик, милиция тушиб қолса-чи? Умуман, милициянинг иши нима ўзи? Агар бир жумла билан айтадиган бўлсак — инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш. Нега энди шундай олий мақсад йўлида хизмат қилаётган милициядан халқнинг кўнгли қолган? Нега энди рўзномалару ойномалар (ҳаммаси эмас) унга маломат тошини отишга ҳаракат қилишади? Айниқса, бу борада «Муштум»нинг жонбозлигига «тахсинлар» айтса бўлади. Ойнома деярли ҳар сонда ё қоринлари осилган, кийимлари шалвираган милиционер расмини, ё у ҳақида «латифа» («ҳақорат» десак тўғрироқ бўлади) босиб чиқаради. Бир ёқлама фикр юриштининг ҳам меъёри, мезони бордир, ахир. Ёки бунинг остида шахсий адоват борми?

Халқ билан милиция орасига нифоқ солишдан не муддао? Аксинча пайдо бўлган совуқчиликни кўтарсак, уларнинг баҳоли қудрат қилаётган ишларини одилонга ёритсак, энг асосийси, ёрдам қўлини чўзсак, ютишимиз аён-ку.

Ҳеч кимни шифокору милиционерга рўпара қилмасин. Аммо иссиқ жон дейдилар, танимизга жафо етса, шифокорга чопамиз. Фалокат оёқ остида дейдилар, бирор кори ҳол бўлса, милициядан мадад кутамиз. Чунки биламиз, кези келганда шифокор ҳам, милиционер ҳам бизни муқаррар ўлимдан сақлаб қолади.

Минг марта надоматлар бўлсин, шундай тани соғ, кўнгли хотиржам одамлар борки, вақт топган заҳоти тирноқ билан этнинг орасини кавлай бошлайдилар.

Келинг, милиция билан ҳам бир ёқадан бош чиқариб ишлаб кўрайлик. Имкони борича бир-биримизга кўмак берайлик. Зора, сиз билан бизни азоблаётган қазобларнинг уруғига ўт тушса.

Мана, бир мисол. Бу воқеа Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳрида бўлиб ўтди. Имомдон Османовнинг хонадонини тунаб кетишибди. Бундан биринчи бўлиб мактабдан қайтган Медат Османов оғоҳ бўлди. Ўсмир ўзини йўқотмай тўппа-тўғри маҳалла кўмитасининг раиси Улуғбек Йўлдошевнинг ҳузурига чопди. Сўнгра отасининг иш жойига қўнғироқ қилди. Зумда етиб келган хонадон соҳиби милицияга хабар берди.

Ўзингизга маълум маҳалланинг тинчлиги, хотиржамлиги оқсоқолнинг ишбилармонлигига боғлиқ. Мабодо кўнглисизлик содир бўладиган бўлса, ҳамдард, ҳамнафас турадиган ҳам оқсоқол.

Бундай хислатлардан ҳоли бўлмаган У. Йўлдошев ҳаммаҳалласининг ташвиши билан кўчага чиқди. Ҳар хил гумон-тахминлар қилиб, автобус бекатида етиб келди. Бекатда олдида нималардир жойланган халта, чойшабага ўралган аллаболалар билан бир киши турар, унинг тоқатсизланаётгани шундоқина юз-кўзидан биллиарди. У. Йўлдошев унинг қаршисига бориб тўхтади.

— Биродар, шонинқира-яписизми дейман? Бетоқатсиз. — Самарқандга борган-

дим. Тўйга деб у-бу нарса олиб келаяпман.

— Бу дейман Самарқанддан сафархалта топилмабди шекилли, нарсаларни чойшабага ўрабсиз? Шунданшунга қандай қилиб кўтариб келдингиз?

— Ҳа, энди...

— Йўқ, биродар, юринг маҳаллақўм идорасига борамиз.

Йўловчи эътироз билдирди. Дуч келган уловга қўл силкий бошлади. Гумони тўғрилигига буткул ишонган Йўлдошев унинг ёқасидан олди. Йўловчининг ранги бирдан ўзгарди. Қўзлари қахрли ёниб, Йўлдошевни силтай бошлади. Бу воқеага, ногоҳ кўзлари тушган 3-дўкон сотувчилари ака-ука Саид ва Анвар Қўчқоровлар ёрдамга шошилишди. Учовлашиб унй буюмлари билан бирга дўконга олиб киришиб, милицияга сим қоқишди.

Ўғри тушган хонадонга етиб келган опергуруҳ ходимлари туман ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция подполковниги Ҳазрат Баҳриев, катта терговчи милиция подполковниги Дўстмурод Самадов, ЖҚБ опервакиллари милиция капитани Нормамат Даверов, милиция лейтенанти Худоёр Мансуров, участка вакили милиция капитани Акрам Валиев, милиционер Эркин Комилловлар эса бу пайтда ўғирланган буюмлар ва жиноятчи қолдирган изларни аниқлашга ёрдам берди. Текширишда 1800 сўм пул, бир дона 10 тийинлик тилла танга, тилла тақинчоқлар, қимматбаҳо кийим-кечақлар (жами 21 минг сўмдан зиёд бисот) ўғирлангани маълум бўлди.

Навбатдаги режа ўғрининг изига тушиш эди, албатта. Аммо опергуруҳ йўлга чиқишга улгурмади. Туман ИИБдан хабар беришларича, 3-дўконда ўғирликда гумон қилинган шахсни ушлаб туришган эмиш...

...И. Османов бисотини дарров таниди.

Анатолий Муртозаев (жиноятчининг исми-шарифи) қўлга тушишни, ҳеч бўлмаганда бунчалар тез ушлашларини умуман ўйламаган бўлса керак. Агар маҳаллақўм раиси, сотувчилар бир-бирларига ёрдам бермаганларида ёки расмий қилиб айтиладиган бўлса, фуқаролик бурчларини бажармаганларида эди, ким билади ўғрининг шахсини аниқлаш, қўлга олиш учун яна қанча вақт кетарди. Мана сизга ўзаро ёрдамнинг қанчалик фойдали эканлиги. Мана сизга ҳамкорликнинг маъсули. Тергов пайтида А. Муртозаев (дарвоқе, у 1960 йилда Шахрисабзда туғилган, икки марта судланишга ҳам улгурган) У. Йўлдошевни «бир ёқли» қилмоқчи бўлганида сотувчилар халақит берганлигини айтиб ўтди. Хайрият одамларимиз қалбида виждон деган чўғ ҳали ўчмаган экан. Ўчмайди ҳам.

— Навбатдаги йиғилишлардан бирида участка вакили Акрам Валиев маҳалламиз аҳлига ҳусобот берди. — дейди Улуғбек Йўлдошев. — Йиғилишда Ҳазрат ака Баҳриев ҳам иштирок этиб, жиноятчиликка қарши курашда жамоатчиликнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини уқтиргандилар. Ва бу борада фаоллик қилишни биздан илтимос қилгандилар. Маҳалла аҳлининг ўша йиғилишдан кўнгли тўлган эди. Натижаси мана юзага чиқди.

Тошпўлат МУЗАФФАРОВ,
милиция подполковниги.
Эркин САТТОРОВ,
«Постда»нинг махсус мухбири.



Телефондан оғир хабар келди: «Тўда қишлоғида истиқомат қилувчи Наримон Хўжаевни кимдир ўлдириб кетибди». Бундай пайтларда шошиш қанчалик зарур бўлса, доводирамаслик, вазминлик ҳам шунча муҳимлигини яхши билган прокурор Исоқжон Раҳматуллаев ҳовлиқмади. Туман милицияси ва судтубийёт экспертизасидан вакиллардан чақирди. Туман марказидан анча олди Тўда қишлоғига етиб боришганда, қош қорайган, чироклар ёқилган эди.

Кўча, ҳовли одам билан тирбанд. Югуриб-елган, ўзича ҳар хил тахминлар қилаётганлар ҳам, бу ҳол қандай рўй берганига боши қотганлар ҳам кўп эди. Жасаднинг бир оёғи сал букилган, иккинчиси узатилганича сандал бурчагига тегиб турарди. Ўнг қўлининг орқасида кичкина жароҳат бор, холос. Мана шу жароҳатдан қон кетган. Лекин қаршилик кўрсатилганлигини билдирувчи ҳеч қандай белги йўқ. Қи-

Мавлудахон овқатланди, чой ичди. Дастурхонни йиғиштира туриб:

— Бўлмаса мен болаларга борай. Эрталаб уларни боғчага топшириб, кейин туманга ўтаман. Қалитни жойига қўйиб кетарсиз, — деди эрига.

Эртаси кунбўйи туманда, колхозда бўлиб, хотиржам бир кайфиятда келса, болалар қайтмабди. Уй эшиги ёпиқ, аммо қулф эмас, қоронғу. Кириб чироқни ёқса...

Текшириш тугади. Судтубийёт экспертизаси қатъий хулосага келди: эгилганда орқадан ўқ узилган. Шундан ичига қон кетган. Оёқ учидагиси энгашганда томган.

Бу хулоса масалани бироз ойдинлаштира ҳам, аслида гумонни оширади: агар бир ўқ отилган бўлса, иккинчи гильза қаёқдан келди? Баллистик экспертиза ўтказилди. Гильза «Морголен» маркали спорт тўппончасига тааллуқли экани аниқланди. Хўш, кимда «Морголен» бор?

зи! Тўппонча ўлган кишида бўлганми ёки қотилда? Ё бошқа ерда ўлдириб, бу ерга ташлаб кетишганми? Ундай бўлса, йўлда қон томчилари йўқ-ку?

Уй кўздан кечирилди. Сандал кўрпасининг тагидан битта гильза топилиши масалага сал равшанлик киритди. Демак, унй шу ерда кимдир отган. Палослар, кўрпачалар ағдарилди. Яна битта гильза топилди. Балки чалйтиш учун ташлаб кетилгандир? Аниқлаш керак. Лекин жароҳат битта-ку? Булар ҳаммаси фараз. Текшириш, тўғри хулосага келиш, қотилни топил лозим. Аввало, бундай ҳодисанинг юз бериши хунук иш. Жиноят очилмаса, қотил жазоланмай қолса, бу кецирилмас ҳолдир.

Прокурор ишни марҳумнинг қўшниларидан тегишли маълумотлар олишдан бошлади. Сўнг ҳовлимаҳовли юриди, ҳар бир тафсилотни эшитишдан, ёзиб олишдан эринмади. Ҳеч ким Каримжонни: «Ёмон, бирор киши билан уришган ёхуд ичиб бежо юрар эди», — демади. Қиморнинг ёнига бормаган. Бирга ишлайтган ҳамкасблари, сирдош дўстлари ҳам ноқўя қадамини сезмаганлар. Хушчақчақ, беозор бўлган. Шундай экан, ким унга душманлик қилади?

Хотини Тўда қишлоқ Кенгашининг ўринбосари вазифасида ишлайди. 8 декабрь куни кундузи Каримжон икки фарзандини бувисиникига олиб борган. Меҳмонлар билан бирга бўлган. Кеч соат еттиларда болаларини қолдириб, ўзи қайтган. Қишлоқ Кенгашини мажлисидан қайтган рафиқаси Мавлудахон Маҳмудова наздида уй хувиллаган кўринди, эридан шошиб сўради:

— Болалар қани?
— Бувилариникида қолди. Меҳмонлар ҳам бор экан.

Кейинги йилларда тўппончанинг бу тури ҳеч қайси ташкилотда қолдирилмаган. Ленинобод, Тўда, Норинкапа, Яшиқ қишлоқлари текширилди. Қидирув туманга кўчирилди. Қанча-қанча одамлар билан суҳбатлар ўтказилди. Ниҳоят бундай тўппонча Қўгай қишлоқ Кенгашининг Ленин номли давлат хўжалиги ДОСААФ ташкилотининг бошлиғи Эргаш Қодировда бўлган, деган хулосага келинди. Қодиров бу вазифада 1967-68 йилларда ишлаган. Ишдан кетаётганида тўппончани топширмаган. 1969 йили қамалган. Унинг дўстлари, ўртоқлари билан бирма-бир суҳбатлашилди. Кимдир Қодиров тўдалик Бултурбой Қурбонов билан яқин бўлганини айтди. Қурбонов эса Каримжоннинг ён қўшнисиди. Қожгани кўриб, энг кўп қаёғурган, югуриб-елган, отасиз қолган гўдақларнинг пешоналаридан силаб йиғлаган, қотилни ёниб лаънатлаган, Каримнинг фазилатларини айтиб, дарё-дарё кўз ёши тўқкан шу йигит! Наҳотки, тўппонча шу йигитда бўлса? Балки шундайдир? Унинг ичкиликка берилганлиги, бета-йин яшаши аниқ-ку! Лекин сўроқ қилинганда, ёнига йўлатмади.

Штабда бир неча марта йиғилишди. Далиллар, тахминлар жамланди. Қайта тергов бошланди. Чигалнинг учи топилгандай бўлди. Тергов жараёнида кимдир 1968 йили Қурбонов уйдаги ўтиришларнинг бирини: «Тўппончам бор», — дегандай шама қилганини айтди. Лекин «...дай», «...микан», «...роқ эди» сингари тусомлар ҳақиқатга яқинлаштирса ҳам, аини далил эмас. Қамоқдан Эргаш Қодировни олдириб келишга қарор қилинди.

... Бултурбой Қурбонов маст ҳолатда Каримжонга дуч келади. Уни магазинга таклиф этади. Карим-

УРТА ОСИЕ темир йўлининг Тошкент шохбекати ички ишлар бўлими ходимлари жиноятчи унсурларни, қаллоб ва фоҳишаларни, олибсотарларни аниқлашда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

СУРАТДА: бўлима командири милиция старшинаси Маҳмуд Хайдаров хизмат пайтида.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

жон уйда ҳеч ким йўқлигини айтиб, уйига бошлайди. Ўтиришади, ичишади. Суҳбат бора-бора даҳанаки жангга айланади. Ҳақоратдан ғазабланган уй эгаси Бултурбойга ташланади. У қочади. Тўппончани қўлига олиб: «Отиб ташлайман», — дейдию ўқ узади, тегмайди. Каримжон қалиш билан урмоқчи бўлиб энгашганида отилган иккинчи ўқ уни яралайди. Қотил икки соатлардан сўнг яна қайтиб киради, ўлганлигига қаноат ҳосил қилгач, чироқни ўчириб, эшикни бояғидай ёпиб чиқиб кетади.

Тергов санъатига тан берган жиноятчи пинагини бузмас, прокурордан кўз узмас, шунчаки саргузаштни ҳимоя қилаётгандек гапирар эди. Қотил ҳам, тўппонча эгаси ҳам Бултурбой Қурбонов бўлиб чиқди. Беш кечаю беш кундуз давом этган тинимсиз изланишлар жумбоқни ечди.

... Исоқжон мактабдаги тарих дарсларида тажриба-

ли педагог Жамолжон ака Ёқуббоевдан халқ босиб ўтган мураккаб йўллар таҳлилини тинглар экан, ҳақ ва ноҳақлик, адолат ва ёвузлик масалалари уни кўпроқ қизиқтирарди. Ноҳақликка нисбатан турилган нафрат уни ҳуқуқшунослик факультетига олиб келди. Фан синовлари, ўқув практикалари, давлат қонунлари ва инсон тақдири ҳимояси учун бўлган мунозаралар ортада қолди. Дорилфунунни тугатгач, маориф, партия ва совет ташкилотларида хизмат қилди.

Мана, деярли беш йилдан буён Учқўрғон тумани прокурори сифатида давлат қонунчилигини ҳимоя қилади. Кишилар тақдири, жамоат мулкнинг даҳлсизлиги учун курашади. Бу дилкаш, ишчан ва сезгир ходимни туман меҳнаткашлари энг яқин дўст, салимий, ҳангўй инсон, деб эъзозлайдилар.

— Жиноятчилик билан кураш — ҳамманинг иши. Буни жамоатчиликка таянмай туриб амалга ошириш кийин, — дейди Исоқжон Раҳматуллаев. — Бизда ҳар хил касб эгалари ва нафақахўрлардан ўн олти штатсиз ходим бор. Шулар ёрдамида барча жамоаларда, ширкат ташкилотларда, қурилиш участкаларида давлат мулкни асраш қандай йўлга қўйилганлигини текшириб борамиз.

— Учқўрғон йирик туманларимиздан, — дейди Наманган вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси М. Тойжонов. — Шунга яраша иши ҳам кўп. Буни катта уқув, сидқидил меҳнат билан бажариш керак бўлади. Мана шу сифатлар Исоқжон Раҳматуллаевда бор.

Прокурор — давлат вакили. Унинг фикри тиниқ, далиллари асосли, нутқи равон бўлиши лозим. Исоқжон ана шундай прокурорларимиздан бири. **Нуриддин БОБОХУЖАЕВ.**

ПРОКУРОР

«... 1991 йил 10 июль куни дадам уйга кеч кириб келди. Аямга: «Фермада молнинг тагини кураб турганинда чақирсам қарамадинг», — деди. Кейин овқатга картошка солилмаганлигини айтиб жанжал чиқарди. Аям: «Бу йил картошкага яхши қарай олмадик, ғовлаб кетди. Дадамларнинг картошкаси эса яхши ҳосил берди», — деди. Бу гапни эшитиб дадамнинг жаҳли чиқиб кетди ва: «У ердагилар доно, бу ердагилар эса... билмайди, Холмат элликбоши ўлиб, мени ким бўлса ҳам туртиб кетаверадида энди», — деб захарханда қилди.

Аям кўзлари ёшланиб, «кетаман»га тушиб қолди. Дадам эса бунга йўл қўймади. Орадан кўп ўтмай ҳовлидан аямнинг додлаганини эшитдик. Югуриб чиқсак, у ёнаётган экан. Дадам шошилиб ўтни ўчирди...
Гувоҳ Дилшод ШАРИПОВ кўрсатмаси.

«Бошинг тўйдан чиқмасин» ёки «Хаммани ҳам тўйга етказсин» деган гапларни кўп эшитганмиз. Агар дўшмини бошдан олиб, чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, бу ниятнинг замирида катта маъно борлигини англаш қийин эмас. Тўй. Бу сўзни эшитганда эндигина тили чиққан, атакчечак қадам ташлаётган болакай муштдай юрагига шодлигини яширолмай қий-қириб юборди. Юз билан юзлашаётган отахону онахонлар ҳам қовжирган лабларини табассумдан тия олмай, ширин энтикишади. Муҳаббат нашъасидан гоҳ мағрур, гоҳ масрур йигит-қизларнику қўяверинг. Унга узоқ-яқиндаги дўст-ёронлар, таниш-билишлар таклиф этилади. Тўкин дастурхон атрофига йирилган кишиларнинг юрак-юрагидан фақат битта гап қайнаб чиқаверади: «Келин-куёвга бахт ёр бўлсин, ували-жували бўлиб юришсин».

1978 йилда Фарғона вилоятидаги Киров туманининг Яккатут қишлоғида ана шундай базм-жамшид қурилганди. Тўғри, бу тўйда камина иштирок этмаганман, аммо имоним комилки, ўшанда қариялар Тошпўлат ва Мавлудаларга яратгандан бахт тилаб, юзларига фотиҳа тортишган. Ешлар эса келин-куёвнинг бир умр висол шаробидан сипқоришлари учун қадаҳ кўтаришган. Шақлан турлича бўлсада, мақсад бир: «Қўша қаришсин!»

Яхши ният, ярим мол. Қолаверса, яхши ниятга фаришталар «омин» дейди. Бироқ, минг афсуски, ўшанда фаришталар ундай қилишмаган, қилишган бўлсада, ижобатга ўтмаган экан, шекилли. Ўтган 1991 йили бу оила мутлақо таназзулга юз тутди.

Шу ўринда бир нарсани қўшимча қилиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдим ўзимча. Тахририятимизга ҳар куни кўплаб мактублар келади. Уларнинг аксариятида мухлисларими: рўзномамизда кишини даҳшатга соладиган ваҳшийликларга кўпроқ ўрин бераётганимиздан волишади. Бу, тан олиш керак, бир томондан тўғри. Аммо бунга баҳоли қудрат оқлайдиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Биз ҳам эзгуликка ташна инсон фарзандлари сифатида гўзалликни, оқ орзуларни қаламга олсак деймиз. Тонгда ийманиб юз очаетган гунчанинг бокиралигини куйласак деймиз. Оппоқ қорнинг покизалигини таърифласак деймиз. Қисқа қилиб айтганда, ҳамюртларимизга тортиқ этилган бекам-кўст бахтнинг янги-янги қирраларини ифодалашни жуда-жуда истаймиз. Аммо юз очмасдан гармселда қовжираб қолаётган бечора гунча тақдирини кўриб, қувончнинг рангини чизмоқчи бўлган қалам беихтиёр қўлдан тушиб кетар экан. Барбод бўлаётган оилалар, хазон бўлаётган умрлар, етимлар ва туллар қуздан оқаётган жолалар имкон бермас экан бунга. Қўшининг уйдан аза эшитилаётган чоғда ким ҳам баралла кула оларди дейсиз.

Мухлислардан сир тутмай айта қолай. Камина аслида милиция ходими эмас, атиги бир йилдан бери шу соҳада хизмат қилаётган оддий бир журналистман. Сирасини айтганда,

бир йил оз муддат эмас. Ҳар қандай соҳага мослашиш учун етарли вақт. Аммо бировларнинг йўқ, бир оз янглишдим, ҳамюртларнинг бошига тушаётган кўргуликларни эшитавериб чарчадим. Кўравериб толиқдим. Аммо на илож.

Бу сафар ҳам мазкур мақолани ёзишга жуда-жуда қийналдим. Ҳафталаб қўлимга қалам тутолмадим. Бўлар иш бўлган, энди бировларнинг кулфатини элга дoston қилишдан кимга наф деган истиҳола сира тинч-

қўллар энди уни кўрганда, газабдан мушт бўлиб тугиладиган бўлди. Муҳаббат ўрнини нафрат эгаллади. Нега? Сабаб нима? Нима учун бир пайтлар севги нашъасидан энтиккан Тошпўлат бугунга келиб хотинини ўзини ўзи ўлдиришга мажбур этган золимга айланди?

Мана бу сатрларни тергов материалларидан айнан кўчириб олганман.

«1988 йил 27 август куни Тошпўлат Шарипов уйига маст ҳолатда келган. Турмуш ўртоғи Мавлуда менга гап қайтардинг, деб жанжал чиқарган. Уятли сўзлар билан ҳақоратлаб, урган. Шундан кейин Мавлуда 1989 йил апрель ойига қадар ота-онасининг уйига истиқомат қилган. Сўнгра Тошпўлатнинг илтимосига биноан қайтиб келган...»

«1990 йил 20 октябрь куни Тошпўлат Шарипов ўртоғи Тожибой Раҳмоновникида зиёфатда бўлган ва уйига маст ҳолатда қайтиб келган ва чарм қайиш билан урган...»

мизга яна бир бор таъна тошларини отгим келади. Шу йиллар давомида бизни динимиздан айирдилар, ўз-ўзимиздан айирдилар, бор-йўғимиздан жудо қилдилар. Эр ва хотин ҳуқуқини бир деб белгиләдилар. Шу билан эрни эр, хотинни хотин эканлигини эслатиб турувчи муқаддас қадриятлар илди-зига болта уришди.

Фикри ожизимча, юзлаб, минглаб оилалар барбод бўлаётганига, юзлаб, минглаб болалар тирик етим қолаётганига, аёлларнинг ўзларига ўт қўйишларига биринчи сабаб — шу.

Ўзимча фол очавермасдан тергов материалларига мурожаат қилайлик. Қайди этилишича, Тошпўлатнинг ичкиликка мункасида кетганлиги фожеанинг бош сабаби. Мавлуда унинг кийимларини дазмолламаслиги, узилган тугмаларини қадаб қўймаслиги, қайнониси билан чиқишмаслиги, кўчадан ҳар хил гапларни ташиб келиши ва бошқалар баҳона бўлган. Яна ўртада рашк деб аталмиш ялмоғиз ҳам

Эҳтимол дини афас замонада Тошпўлат шу тариқа ичкиликка мункасида кетгандир? Бир нарса дейиш қийин.

Бу билан марҳумани айб-ламоқчи ёки шунга озгина шаъма қилмоқчи эмасман. Ҳуқуқи эркакларники билан тенглаштирилган аёлларнинг баъзилари (эҳтимол кўплари) бу ҳуқуқни ўз ўрнида қўллашга ожизимлик қилганлигини таъкид-ламоқчиман, холос. Бу фожеаку деган хулосани баралла айтмоқчиман, холос. Ҳар нима бўлганда ҳам эр-каклар ўз ўрнида, аёллар ўз ўрнида тураверганлари маъқул экан.

— Марҳуманинг опаси Манзура Чўтибоевани гувоҳ сифатида чақиртирдим, — дейди прокуратура терговчиси Тошпўлат Болтабоев. — У ҳам сингисини беш-олти йилдан бери маст эри томонидан калтакланиб келганлигини тасдиқлади. Марҳума калтакланган кунининг эртасигаёқ бу ҳақда опасига айтarkan (доимий равишда).

Шу ерда ўйлашиб қола-сан киши. Чиққан қиз чийдан ташқари, деган гапни донолар айтишган. Бу нақл турмуш қурдингми, тош келса кемирасан, сув келса симирасан, оиланинг азоби ҳам, лаззати ҳам ўзингники, дегани. Мен бу ҳақда Манзура Чўтибоева билан суҳбат қурган эмасман. Аммо ўйлаб ўйимга етолмайман. У дўппосланган сингисининг дийдиёларини эшитиб, нонкўр куёвни қарғаш билан чекланганмикин ёки турмуш тажрибаси кўпроқ аёл сифатида навбатдаги жанжалларнинг олдини олиш борасида маслаҳат берганмикин?

Хотин ўлди, эр қамалди, оила барбод бўлди. Бу фожедан дилим куйди, сизга айтиб тилим куйди. Чўнаётган одам хасга ёпишаркан. Навбатдаги ранж-аламларим ҳам шунга монанд аслида.

Бир оила беш-олти йилдан бери ит ётиш, мирза туриш қабилда ҳаёт кечирган, уларнинг турмушлари сув юзасидаги лўқадай омонат қалқиб турган бўлсада, атрофдагилар нега сезишмади? Қўни-қўшнилари, маҳалла қўмитасидаги сўзи кескир оқсоқоллар, хотин-қизлар Кенгаш фаоллари бундан беҳабар қолишганми? Беш-олти йил давомида-я? Еки бу оила улар учун беғонами? Хали ҳам ўзинг учун ўл етимми?

Худо раҳмат қилсин, Мавлуда аввало етмиш йилдан ортиқроқ ҳўкм сурган зулмкор тузумнинг қурбони бўлди. Эрининг жоҳиллигига атрофдагиларнинг бефарқлиги шунчаки баҳона, холос. Пичоқ суякка қадалди. Ўтган йилнинг 10 июль куни у жафолардан бешиб, ўз имон-ихтиёри билан ўзига ўзи ўт қўйди. Ловуллаб ёна бошлади. Чирсиллаб ёна бошлади бегуноҳ вужуд. Аёл эмас, бундан 13 йил муқаддам бахт кечасида ўз жамоли билан атрофни турмуш ўртоғининг қалбини ёритган тўлин ой ёна бошлади. Йўқ, бу жафокаш дунёда ўлиш ҳам қийин экан. Сариқ аждаҳонинг ўткир тили унинг баданини ялай бошлаганида, бутун вужудида беадад огриқни ҳис қилди. Чидай олмай жон ҳолатда бақириб юборди. Унинг фарёди еру кўкни ларзага келтирди...

Мавлуда 14 июль куни шифохонада жон таслим қилди.

Мақолага сўнгги нуқтани қўйишга чоғланаяман-у, беихтиёр марҳуманинг тўй кунги ибולי чехраси кўз ўнгимга келади. Ана, уларга бахт тилаб фотиҳага очилган қўллар. Зум ўтмай ўша ибולי чехраю фотиҳага очилган қўллар олов искан-жасида қолади. Қўлоқларим остида эса жон алфоздаги қичқирёқ жаранглайди: «ЕНИВ КЕТАЯПМАН, ЕРДАМ БЕРИНГЛАР!»

Алп ЭРДОН,
Фарғона вилояти.



лик бермасди менга. Аммо охир-оқибатда бир-бирига қарама-қарши фикрлар жанггида барибир ёшиш керак деган мулоҳаза устун келди. Сабабини кейинроқ илғаб олмасизлар, деган умиддаман.

Келинг, азизлар, яна Тошпўлат ва Мавлудаларни қовуштирган бахт кечасига (афсуски, аксинча экан, бахтсизлик оқиёми деса ўринлироқ бўлар) қайтайлик. Шундоққина ёнгинасида тўлин ойдан тўлишиб ўтирган келинчаққа ўқтин-ўқтин яширинча суқланиб боқаётган куёвтурани хаёлан тасаввур этайлик. Агар ўзига қўйиб берса, сеҳрли қалпоқчани кийиб олган бўларди, ҳойнаҳой. Уни ҳеч ким кўрмай қоларди. Шундан фойдаланиб, бу кеч оғушида бўладиган ёрининг тимқора сочларини тўйиб-тўйиб силанган бўларди.

Аммо тўйдан кейин кўп ўтмай ана шу ҳиссиётдан асар ҳам қолмади унда. Бир пайтлар Мавлуданинг сочларини силашга ошиққан

«1991 йил 19 апрель куни Мавлуда Қорабўйин қишлоғида яшовчи синфдоши Абдупатто Ғойибназаровникига ўғил тўйига борган. Тошпўлат маст бўлганлиги учун уни тўй бўлаётган жойдан чақириб олган. Рухсатсиз бу ерга келгани учун то уйига сўкиб, уриб ва тегиб борган. Уйда ҳам жисмонан азоб бериб, қадр-қимматини таҳқирлаган...»

«1991 йил 18 июнь куни кечқурун Тошпўлат Шарипов Мавлуда билан жанжал чиқариб, уятли сўзлар билан ҳақоратлаган. Бир шаллоқ урган...»

«1991 йил 20 июнга ўтар кечаси Тошпўлат Шарипов яна спиртли ичимлик ичиб келган ва хотинини калтаклаган...»

Уларнинг бахт қиё боқмаган турмушларидан хабардор бўлган кишилар, хусусан Мавлуданинг ота-онаси бу сатрларни ўқиб, пешоналари тиришиши, ярани тирнашдан нима манфаат бор, дейишлари турган гап. Мен эса бу ҳатти-ҳаракатим учун улардан яна бир бор узр сўрайман. Шундан кейин қайтадан таъкидламоқчиман. Мақсадим ярани тирнаш эмас. Аксинча, шу фожеа туфайли ичимга сиздиromoлаётган андуҳларни тўкиб солиш, бир-бирига қарама-қарши фикрларимни кўпчилик муҳокамасига ташлаш.

Мусулмон оламида бу дунёни тарк этганлар ортидан гапириш таъқиқланади. Ҳатто улар тириклигида билиб-билмай қилган ишларни таҳлил этиб, тўғри-нотўғрига чиқариш ҳам гуноҳи азим ҳисобланади. Мен ҳам гуноҳдан қўрқаман. Аммо минг бора дод-ки, ҳозир ҳам атрофимизда ҳалокат деб аталмиш жарликка қараб кетаётган Тошпўлату Мавлудалар оз эмас. Зотан бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб зикр қил, деган нақл ҳам бежиз айтлмаган.

Муаллиф сифатида фикримни айтадиган бўлсам, алмисоқдан қолган гапларни такрорлагим, ўтган етмиш йилдан ортиқроқ кечмишимизга — бемаъно ўтмиши-

бор.

Яна бир марта эслатиб қўяй: мен булар билан Тошпўлатни оқламоқчи эмасман. Бунга ҳоҳат ҳам йўқ. Уни қонун-қонидан оддий бир журналистдан минг чандон чуқурроқ биладиган ҳуқуқшунослар суд қилишган. Уларнинг ишини таҳлил этиш — отасига ақл ўргатган болакайнинг ҳатти-ҳаракатига монанд. Аммо қонун-қонидани бир чеккага суриб қўйиб (ҳозирги лаҳзада бунинг ҳеч қанақа қўрқинчли ёки зарарли томони йўқ), масалани, тўғрироғи, бошқаларга майда-чуйда кўринган важларни эркак киши сифатида муҳокама қилсак, осмон узилиб ерга тушмас.

Агар терговда аниқланган шу важлар ҳақиқатдан тўғри бўлса, аёл киши эрини кийимларини вақтида дазмолламаслигини, тугмаларини қадаб қўймаслигини қандай баҳолаш мумкин? Келинг, эркак киши сифатида шунга ўзимизга қиёс қилиб кўрайлик. Ҳар бири-ми ҳам бундай бефарқликка бир-икки чидашимиз мумкиндир, кейин бошланади (ишқилиб бундан ўзи асра-син).

Агар келин қайнониси билан чиқишмаса, айб кимда бўлади? Шахсан мен келинда деб биламан. Ё раб, бу қандай замон бўлдики, келинлар ўз жуфти ҳалоллини туғиб вояга етказган, уйлантириб, бир болам иккита бўлди, деб қувонган она-зор билан келишполмас-я!

Аёл кишининг эр рухсатсиз бирор жойга бориши қаттиқ янглишидир. Рашк деган ялмоғиз эса шу янглишишнинг ҳосиласи. Ожизаларнинг эркак рухсатсиз остона ҳатлаб ташқарига чиқиши Қуръони каримда қатъий ман этилади. Эҳтимол шу сабаб эътиқод, имон маёқ бўлган даврларда ажралишлар кам содир этилгандир. Бу ёғи энди баҳс-талаб масала.

Халқимизда эркак киши уйдан тополмаган нарсасини кўчадан қидиради, деган гап бор. Танангизга бир ўйлаб кўринг, уйдан топилмаган нарсани кўчадан топиш осонми? Йўқ, албатта.

«ХАЛҚИМГА ИШОНАМАН»

Яқинда Абдулла Қодирий номидаги жумхурият жамғармаси директори, улкан адабнинг набираси Шеркон Қодирий билан суҳбатлашиб қолдим.

Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси, истибод йилларининг ноҳақ қурбони Абдулла Қодирий (алайҳиррахма!) номидаги жамғарма катта мақсадларни кўзлаб таъсис этилганди. Жумладан, Чўлпону Элбек, Усмон Носиру Фитрат каби юзлаб шахидлар хотирасини абадийлаштириш, улар руҳини шод этиш, уларнинг асарларини дунё тилларига таржима қилиб, хорижий юртларда ҳам ўзбек адабиёти намояндаларининг ХХ аср авлоди яратган дурдона китобларни тарғиб этиш каби кўплаб хайрли ва эзгу ниятлар жамғарма фаолиятининг асосий мақсадларидан эди. Бироқ ҳозирги иқтисодий ночорлик, турмушдаги моддий қийинчиликлар боис бўлса керак, жамғарма ҳисобига маблағ ўтказувчилар топилмай турибди. Ваҳоланки, кўплаб эзгу тadbирлар муаммоларни маблағсиз амалга ошириб бўлмайди.

Мен Шеркон Қодирийга: — Хориждаги пулдор ватандошларимизга, бой қорхона эгаларига мурожаат қилиш керак, — деб маслаҳат бердим.

— Хориждан моддий ёрдам сўраш, — деди у пича ўйлаб туриб. — Ўзбекистондаги саховатпеша, бағрикенг халқимизнинг юзига оёқ босиш билан баробар. Мен Ўзбекистонимизнинг савобталаб аҳлига ишонаман, бизни, албатта, қўллаб-қувватлайдилар.

Шеркон Қодирийнинг ишонч билан гапиришича бор. Ахир, халқимиз Қодирийдек суюкли ўғли хотираси учун ўз ҳурматини кўрсатар?! Зеро, Абдулла Қодирий жаҳондаги бешинчи романчилик мактабига асос солиб, ўзбек халқининг маънавий шуҳратини янада юксакка кўтарган улкан сиймо. «Меҳробдан чаён», «Ўтган кунлар» романларини ўқиб таъсирланмаган,

ҳаяжонланмаган китобхон бўлмаса керак. Бу асарларни ҳали фарзандларимиз, набираларимиз, етти эмас, етмиш авлодимиз ўқиб, завқ олишларига шубҳа йўқ.

Шу ўринда «Постда»нинг содиқ мухлисларига, оёқинишгалик посбонларига икки оғиз сўзим бор.

Азиз биродарлар! Наҳотки, қатағон йиллари қурбонларининг руҳи поклари шодланиши учун, уларнинг табаррук хотиралари эъозланиши учун ўз ҳисобимиздан баҳоли қудрат маблағ ажрата олмаймиз? Ахир, биз ўз инсоний фазилатлари билан дунёда шуҳрат қозongan буюклар наслиданмиз-ку!

Жаноби Расулulloҳ Муҳаммад Мустафо саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳазрати Али каррамalloҳу ваҳҳаҳуға қилган васиятларининг бирида шундай деган эканлар:

— Ё, Али, саховат—жаннатдаги дарахнинг номи. Сахийлар қўли шу дарахга чирмашган бўлади. Бу дарах сахийларни жаннатга ортади.

Муҳтарам юртдошлар! Жаноби Расулulloҳнинг табаррук васиятларига амал қилишингизга ишонаман. Шу билан бирга кимдани Абдулла Қодирий жамғармасига баҳоли қудрат маблағ ўтказиб, кўмак берса, у хоҳ яқин шахс, хоҳ жамоа (ташкilot, бўлима) бўлсин, «Постда» ёки «Тошкент ҳақиқати» муҳарририга маълум қилсинлар. Биз саховатпеша ҳамюртларимиз номини алоҳида таъкидлаш учун ўз рўзномамиз саҳифасидан жой ажратамиз.

(Ушбуга бериладиган қалам ҳақини «Узпромстройбанк» қошидаги МФО 172682310 р-ц 300166910 Абдулла Қодирий жамғармаси 700104-ҳисоб рақамига ўтказилишини илтимос қиламан).

Дилмурод САИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
рўзномаси миллий қадриятлар бўлимининг
мудри.

«ХУШЁР» ЧЎПОНЛАР

Одатда тўсатдан бошига ташвиш ёрилган одам озгина довдираб қолади. Қарахтлик вужудини тарк этгач, арз-додини айтгани милицияга чопеди.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Ульянов номи давлат хўжалиги чўпонлари ҳам 23 январь кuni ўзларига келишганда, ички ишлар бўлими биноси остонасидан ҳатлаб ўтишди. Маълум бўлишича, 10 январь кuni яйлов-

дан давлатга тегишли 30 бош кўй ўмариб кетилган. Кулфат доғида қовурилганлар 13 кундан кейин милицияни хабардор этишибди.

Бу вақт ичида кўй-қўзи бечораларнинг изи тугул, гўшти ҳам йўқ бўлиб кетган бўлса, ажаб эмас. «Хушёр» кўйчивонларга нима, йўқолса, давлатники йўқолибдида. Шунга ҳам ота гўрию қозихонами?!

Ғ. ТЕМИРОВ.



Пскент тумани ИИБ ходимлари тирда қуролдан фойдаланиш маҳоратларини оширадilar. Бу эса жиноятчи унсурлар билан олишнинг асқотади.

СУРАТДА: (чапдан) профилактика хизмати инспектори милиция капитани Абдурахмон Хантов лейтенант Раҳматилла Исмаилов билан ишонга теккизиш маш-қа.
Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

УЙҒОНИБ ҚОЛИШАРМИКАН?!

Тараққиёт инсониятга қарши ишлапти.

Ишдан келар-келмас, эшикдан кирар-кирмас дилбузарга («Ойнаижаҳон» деган ибора бу мўъжаз қутичани тўлиқ ифодалаб беролмайди, айниқса, ҳозирги пайтда ва айниқса, бизникини—ўзбекларникини) ёпишасиз. Унинг қаршисида то уйқуга киргунингизча кўзларингизни узоқламайсиз. Эрталаб ҳам ўриндан турар-турмас, яна шу мўъжизага ёпишасиз. «Эрталаб» деган кўрсатувдан ҳеч бўлмаса бир чимдим кўриб қолиш илмингизда. Вақт эса шафқатсиз, билдириб-билдирмай кетиб бораверади. Мана шу «вақт» деб аталмиш ўлчовнинг кичик парчаси эканингиз эса хаёлингизда йўқ, дилбузар қаршисида мук тушиб ўтираверасиз. «Қўни-қўшни», «дилкаш суҳбат» деган гаплар ёдингиздан кўтарилиб бораверади. Чунки унинг олдида булар жуда бечорадай, мунғайиб кўринади. Шу тариқа инсониятдан узоқлаша борасиз. Бундан на сиз ва на суҳбатлашишингиз, ҳасратлашишингиз лозим бўлган кишилар (улар ҳам сизнинг кўйингизга тушишган) ташвиш тортмайсизлар. Худди шундай тараққиёт инсонларни яқкалай бошлайди.

Қишлоқда ҳозирча бунчалик эмас. У жойлар тараққиётдан анча орқада. Ёз бўйи уйига келмайдиган деҳқоннинг дилбузар кўришча вақти йўқ. Қишда эса кун бўйи шу оқ-қора қутига хоҳиш кам. Ундан кўра кўчага чиқиб, икки оғиз лақиллашгани дуруст, ундан кўра чойхонага чиқиб, ҳамтеглар билан бир қўл-бир қўл «дурак» ўйнагани яхши. Бу ерда ҳамма ҳам ўрисча кўришни ёқтиравермайди. Ўзбекчаси эса...

Ўтган йили деҳқон бечорани хун қилиб юборди бу Ўзбекистон дилбузари. Қоним қайнаб, дилбузарни кўчага улоқтириб юборай дейман. Уртоғим — унинг эгаси кўймайди. Газетдан ранжисанг, йиртиб-йиртиб қутиласан, бу зормандадан эса сира иложи йўқ. Ўчириб қўйсанг ҳам, қўқайиб тураверади баттар гашинни келтириб. Сизнинг ҳам ёдингизда бўлса керак, ҳар кuni кам деганда юз мартадан ошириб айтиларди пахтанинг килоси 25 тийин бўлганлиги. Ҳар кун юз марта лаб таъзим нархни оширганга, минг марта лаб қуллуқ пахта пулини кўпайтирганга. Шундай қилиб гадоёга садақа берсангиз, қайтариб олдингизга отиши аниқ. Бечора ўзбек деҳқони эса чидайверади. Урганиб кетган-да. Бошини ҳам қилиб: «Раҳмат партия-ҳукуматга», — деб тураверади. Турмуш эса ўша-ўша. Узгартиш йўқ. Капитализмнинг устидан сакраб ўтаётган чоғимизда йиртиқ чўнтагимиздан тушиб қолган нураган уйлар, хароба оғил. Бугун эса эртанги кунимиз олдида бу аҳволимиз шоҳлик экани сезилиб қолмоқда.

«Ойнаижаҳон» аталмиш қутичага кириб олган деҳқонлар эса бу йил «планди» уддалаб, сосалистик мажбуриятди ҳам ошири билан бажарганидан гапиради. Аҳвол эса бу. Кундан кунга ёмон бўлса ёмон, яхши эмас. Бу ерда деҳқоннинг айби йўқ, дилбузарнинг ҳам. Унда нега бунақа? Ахир, ҳеч қачон ўзбекининг пахтаси далада қолмаган, сабзавоту тамакисини совуқ уриб кетмаган. Қурғоқчилик бўлиб, Ўзбекистонда галла битмабди, деб ҳам эшитмаганман яқин орада. Ишимиз эса ҳеч олдинга силжимади-да. Русияда шахтёрлар ойлик талашиб, кўмир қазимаяпти, деб эшитаман, қартишка даштда қолиб кетди, деб эшитаман. Бу шўри қуриган ўзбек айтилган гапни айтилгандай бажарса, пул сўраб, ишлаш ўрнига намойишлар қилиб ётмаса ҳам, аҳволи ўзгармасая. «Ойнаижаҳон» мана шуларга сал эътибор берса бўлармиди. Нуқул: «Планди бажариб юборди, ошириб ташлади», — деявермай.

МУНОСАБАТ

Марказий матбуотдан туриб шаънинимизга номақбулроқ гап айтилгудай бўлса, кўчадан таёқ еб келиб хотинига дарду-ҳасрат бўлаётган эрини қилиғини қилиб, жумхурият матбуотини дийдиёга тўлдириб ташлаймиз. Зарбага зарба билан жавоб бериш экан, қайтими ҳам шунга тенг бўлсин-да. Акс ҳолда нима керак тўпдан отганга қарши супурги кўтариб чопиб, ҳаммага кулгу бўлишини.

Марказий ойнаижаҳондан туриб Президентимизга; «Одамларингиз кассеталаримизни қайтариб беришин», — деб кесатиб, бизни очкўзликка ўхшаш бир нарсада айблаб, ўзларича ҳақорат қилишган экан, бунга аввало ўзимиз айбдоримиз. Мана шу нарса учун имкон яратиб бермаслигимиз керак эди уларга.

Кимдир чет эл газетига интервью бериб, бизни «қулларча ҳайбаракаллачи» деса, севимли журналистимиз отилиб чиқади, халқини ҳимоя қилгани (уни ҳам тушунмиш керак). Лекин ўйлаб кўрдикми, нега бу сўз бизга бунчалар қаттиқ ботаяпти, деб. Йўқ. Мулоҳаза қилиб кўрайлик, агар песна: «Маховсан, силсан», — десангиз, индамай кулиб қўя қолиши мумкин. «Сен пессан», — деб кўрингчи... Айтмоқчи бўлган гап жуда эски ва сийқа гап, яъни: Ҳақиқат аччиқ бўлади. Агар ҳайбаракаллачи бўлмасак, («қулларча» сўзининг аччиқлигидан ёзолмадим) ўн-ўн беш йилги гапларни қўя турайлик, тунов кунинга ҳаммани «пахта иши» деб обориб тиқишдику. Ҳаммамиз чапак чалиб

туравердик. Бироқ «миқ» этмадик-ку. Энди бўшатиш-гач, яна чапак чалаймиз.

Август кунларини олайлик. Газеталаримиз Янаев нима деган бўлса, битта қолдирмай босиб туришди. Орадан уч кун ўтиб, вазият ўзгариб, марказий матбуот бошқа гапни айта бошлагач, шартта ниқобни алмаштирдик. Айрим газетлар: «Таҳликали 72 соат орта қолди», — деган қалпоқ билан ҳам чиқиб кетди. Бунчалик эмас-да, энди. Олдин уларнинг гапни айтмаслик керак эди. Айтдингми, кейинги «таҳлика-пахлика» деган гаплар ортиқча. Аслида Ўзбекистонда жуда озчилик таҳликага тушган. Аксариятимиз суюниб юрдик: «Ўртоқ Янаев Ўзбекистонни мақтади», — деб.

Худо раҳматли домла Очил Тоғаев кўп такрорлагувчи эди: «Халққа аччиқ ҳақиқатни кўрсатиш керак». У кишининг айтишича, бир пайтлар марказий матбуотда: «Ўрта Осиёда эшакка ҳайкал қўйиш керак», — деб ёзган киши зиёлиларимиздан балога қолиб кетган экан. Ким билсин, муаллиф бу гапни шуларнинг ҳам кўзи очилсин, деган ниятда ёзгандир. Биз эса гапнинг моҳиятига тушунмай уни дўппослашга тушганмиз.

Ҳа, дўст кўнглингга оғир ботмасин деб, ҳақиқатни айтолмаслиги мумкин. Душманнингга эса барибир.

Халққа унинг асл юзини — ҳақиқатни кўрсатиш керак. «Ойнаижаҳон» деб аталмиш нарсамиз эса қуруқ мадҳиябозликдан нари ўтмайди. Ўн йил бурун ҳам шу эди, кеча ҳам, бугун ҳам шу. Фақат «социалистик»нинг ўрнига «қайта қуриш», унинг ўрнига «мустақиллик» деган сўзлар келди, холос.

Русия ойнаижаҳонига қўйсангиз, у ердан армияда ҳалок бўлган ота-оналарнинг дод-фарёдини эшита-сиз. Улар ҳуқуқ талашади. Улар фарзандларининг суратларини кўтариб намойишлар қилишади. Ўзбекистонга бурайсиз. Раис гапирётган бўлади: «Қирқ йилдан бермон шу қолхозда раисман. Шундан 38 йили падрат планди бажариб кел-япман».

Ўзбекининг боласи савил... Еки армиядан ўлиб келмаганми улар? Ё оналаримизнинг бағри тошми? Умуман олганда ўзбекининг бошида «план»дан бошқа бирор гап, бирор дард борми ўзи? Нега бўлмаса булар бу ёққа чиқиб олиб шу гапни такрорлагани такрорлаган?

Халқни уйғотиши керак бўлган нарса шу — ойнаижаҳон. Унинг ўзи «Чархпалак»ка ўхшаш (аҳ, нақадар ношудмиз-а, оддий кўчирмакашликни ҳам удалолмаймиз) босинқирашлардан уйғониб олсайди.

Тараққиёт инсониятга қарши ишлапти. Айниқса, унинг мудраб ўтирган қисми.

Исмонл ШОҲ МУРОД.

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Яқинда Фарғонадаги отчопарда вилоят бободоҳқонларининг «Ҳосил байрами» бўлиб ўтди. Жамоа ва давлат хўжаликларни ўзлари етиштирган маҳсулотларини намойиш этдилар. Сўнгра шаҳар гарнизони аскарлари, вилоят ИИБ, шаҳар, туман ИИБнинг спортчилари ўз маҳоратларини кўрсатишди. Айниқса, Охунбо-

боев тумани ИИБ ходимлари О. Ашуров, А. Раҳмоновларнинг чикишлари яхши таассурот қолдирди.

— Вилоят ИИБда ишлаётганларнинг 90 фоизи спорт билан шугулланади, — дейди бошқарма бошлиғи Р. Абдуллаев. — Улар ҳозирги замон қуролларини мукамал ўзлаштирганлар, қўл жангги

усулларини яхши биладилар. Қиз қуввиш ва ердан рўмолча олишда Фарғона шаҳар ИИБ ходимлари милиция катта сержантлари В. Малпонов, пойгада Н. Азимов олдига тушадиганлар топилмади.

Ушбу ҳосил байрамда вилоят ИИБнинг спортчилари биринчилигини қўлга киритиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

А. АҲМЕДОВ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатия кўчаси, 1.
Ўзбекистон Жумхурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
босмаҳонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
муҳбирлар бўлими — 59-26-56,
умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан
43370 нусхада чоп этилди.